250397

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'РІҒАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 8 февраль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 12 (6908)

Даъват

Бу гулшан ичра йўқтур
Бақо гулига сабот.
Ажаб саодат эрур
Яхшилик била чиқса от.

Алишер НАВОИЙ.

Ибрат

Яқинда Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани ҳокими ҳокимлик қарорига биноан Ю. Муродов номидаги 2-ўрта мактаб жамоасига «Дамас» русумли микроавтобус совға қилди.

Ҳайъат йиғилишида

Етим-есир, ё ногирон болаларнинг кўзларига боққанмисиз? Бу ғамгин нигоҳлардаги маънони — илтижони сезганмисиз? Ҳа, сезгансиз, ҳис ҳам этгансиз: меҳрга зорлик! Бошқачароқ айтганда, бу болалар— меҳр гадоси! Меҳр деган ана шу ноёб чашма сиз ва бизнинг қалбимизда жўшади, фаолиятимиз ва муносабатимизда акс этади. Ана шу жўшиш қанчалик кучли бўлса, ғамгин нигоҳларда шодлик шунчалик ёркин балқади, ўксик қалбларда умид учқунлари шунчалик равшан шуъалланади. Эҳтимол ана шуларни ҳисобга олиб, биз кейинги йилларда мамлакатимиздаги етимхоналар, болалар уйларини Меҳрибонлик уйлари деб атадик.

Мустақил Узбекистон ҳукумати етим, ота-оналарининг қаровисиз қолган, ногирон ва касалманд болаларни ўқитиш, тарбиялаш, согломлаштириш ва ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта эътибор бераётир. Ана шундай меҳрибонлик уйларидан бир нечтаси Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатяпти. Бу масканларда тарбияланувчилар ва ўқувчиларнинг аҳволи қандай? Таълим ҳамда тарбия ишлари қай тарзда йўлга қўйилган? Ибратли тажриба ва иш усуллари нималардан иборат? Камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш, муаммоларни ҳал этиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур? Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида ана шулар ҳақида кенг мулоҳаза юритилди. Йиғилишни халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошқариб борди. Кун тартибига қўйилган **«Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар ва ўқувчиларга яратилган шароитларни яхшилаш учун кўрилган чора-тадбирларнинг аҳволи тўғрисида»**ги масала юзасидан шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи, ХТВнинг ўринбосари Ҳамидулла Йўлдошев ҳамда вазирлик умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Гуландом Алимова ахборотлари эшитилди.

Ҳайъат йиғилиши Тошкент шаҳридаги 5 та меҳрибонлик уйида 638 нафар етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни ҳамда 98-мактаб-интернатда тарбияланаётган кам таъминланган оилаларнинг 331 нафар фарзандларини тўлиқ руҳий согломлаштириш, тарбиялаш, таълим бериш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлигини қайд этди. Бу масканларда 200 дан зиёд тажрибали педагоглар, тиббиёт ходимлари, дефектологлар фаолият кўрсатишмоқда. Меҳрибонлик уйларида болаларни хонадондаги каби тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратилган, фан тўгараклари ишлаб турибди, дам олиш, овқатланиш, меҳнат машғулотлари учун қулайликлар мавжуд. Меҳрибонлик уйлари билан умумтаълим мактаблари педагогик жамоалари ҳамкорликдаги ишлари натижасида болаларнинг фанларни ўзлаштиришида, хулқининг яхшиланишида эришилаётган ижобий натижалар (21-меҳрибонлик уйи ҳамда 7- ва 80-ўрта мактаблар), махсус дастурлар асосида таълим бериш, нутқни ривожлантириш гуруҳларини ташкил этиш тажрибалари (30-коррекцион, 23- ва 24-меҳрибонлик уйлари) диққатга сазовордир.

НИГОҲЛАРДА ҚУВОНЧ БАЛҚСИН!

Умуман, меҳрибонлик уйлари педагогик жамоаларининг у ёки бу фаолиятида озми-кўпми ютуқлар, ибратли ишлар ва тажрибалар бор. Бироқ, шу билан бирга йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳам талайгина. «Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги Низом» талаблари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, олиб борилаётган ишлар ҳали етарли эмас.

22-меҳрибонлик уйида ўқув-тарбиявий ҳужжатларни юритиш талабга жавоб бермайди, ўқув режалари ишлаб чиқилмаган, муассаса раҳбарияти ўқув-тарбиявий масалалар бўйича йиғилишлар ўтказмайди, тарбиячиларнинг метод бирлашмалари ишламаётир. 23 ва 24-меҳрибонлик уйлари кутубхоналари ўз ўқувчиларини китоблар билан таъминлай олмаётир. Тарбияланувчиларнинг ўзлаштириши ниҳоятда паст, бунинг сабаблари эса таҳлил этилмайди. Бу борада тарбияланувчилар таълим олаётган 121, 124, 191 ва 196-мактаблар билан алоқа ҳам боғланмаган.

Меҳрибонлик уйларини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, ўқув қуроллари билан таъминлашда ҳам камчилик ва нуқсонлар борлигини ҳайъат йиғилиши алоҳида қайд этди ва бу муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини бир ой мобайнида кўриб чиқиш лозим деб белгилади.

Қурилган масала юзасидан ҳайъат мажлиси қабул қилган қарорда меҳрибонлик уйларидаги таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилишини доимий равишда диагностик таҳлил қилиб бориш, тарбияланувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш корхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоялаш каби шу куннинг долзарб вазифалари белгиланди ҳамда ХТВ қарамоғидаги бошқармаларга, идораларга бу борада тегишли топшириқлар берилди.

Умуман шунга эришиш керакки, меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизлар ёлғиз эмасликларини, улар ҳақида давлатимиз, педагогик жамоалар, фуқаролар ғамхўрлик қилаётганлигини, уларнинг саломатлиги, ҳаёт тарзи, ўқиши, одобу ахлоқи ҳамма-ҳамманинг эътиборидалигини, бир сўз билан айтганда, ўксик, шафқатга ташна ёш қалблар меҳр-муҳаббат қуршовида эканлигини тўла ҳис қилсин! Тақдир кўргилиги изтиробини чекаётган бу ўғил-қизлар юрагида келажакка ишонч туйғулари мавжланиб, чеҳраларида шодлик, нигоҳларида қувонч балқсин!

М. РАҲМОНОВ.



Давр — ҳадсиз бир уммон. Тўфонли, пўртанали, сергирдоб. Унга маҳв бўлмаслик учун инсониятда имкониятлар бор. Бу имкониятлар силсиласи бўлакларидан бири — илм. Тўғриғоғи — илмлар. Янгийўл туманидаги 2-ўрта мактабда ёшларни давр уммонининг дарғалари сифатида тарбиялаш борасида кўп ишлар қилинмоқда.

Суратда: ЭҲМ ўқитувчиси Б.Азимов ўқувчиларга ўз фани сир-асрорларини ўргатмоқда.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

МАРКАЗНИНГ ФОЙДАЛИ ТАҲЛИЛЛАРИ

ЁХУД ТЕСТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМГА НИМА АЛОҚАСИ БОР?

Дарҳақиқат, гап Тест марказида амалга оширилган яна бир таҳлилий иш ҳақида. Янаям аниқроғи иккинчи бир таҳлилий китоб ҳақида (биринчиси, яъни «1996 йил тест якунлари» китоби бўйича мақола ёзгандик). Бу китобни эса «1996 йилги тест якунларининг дидактик аспекти» дея номлашибди.

Қисқача қилиб айтиш мумкинки, китобда 1996 йили ўқиш учун ҳужжат топширган ўғил-қизлар — абитуриентларнинг билим савияси чуқур таҳлил этилган. Келинг, китобдаги сўзбошидан иқтибос келтирамиз. **«Тест синовлари натижаларини махсус статистик дастур ёрдамида ишлаб чиқиш орқали республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари миқёсида, йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича барча абитуриентларнинг сифат кўрсаткичлари, вилоятлар ва туманлар бўйича таълимнинг ривожланиш даражаси ва тамойиллари аниқланди. Бу эса таълимни қайта қуришнинг таркибий ўзгаришлари ҳақида муайян хулосаларга олиб келади».**

Бу мазкур нашрнинг афзалликларидан бири. Бошқа бир афзаллиги эса фанлар бўйича тест топшириқларининг бажарилиш натижалари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинганлигидадир. Бунда ҳар бир фаннинг маълум абитуриент томонидан ўзлаштириш даражаси ва ўз-ўзидан у таҳсил олган мактабда мазкур фаннинг ўтилиш даражаси кўриниб қолади.

Китобда барча фанларнинг республика миқёсида ўргатилиши таҳлил қилинган. Мисол тариқасида «Тарих» бўлимига назар ташлаймиз. Бўлимнинг ҳар бирида тест саволларининг мураккаблик даражаси 4 хил эканлиги ва улар ҳар бир вариантга тенг тақсимлангани таъкидланади. Бундан ташқари тарих фанидан 26 минг (5340 нафари русийзабон) нафар абитуриент иштирок этганини ҳам ахборот тариқасида билиб олишимиз мумкин. Тест топшириқлари эса икки бўлимда тузилган. Топшириқларнинг 60 фоизи Узбекистон тарихи бўлими, 40 фоизи эса жаҳон тарихи бўлими саволларидан иборат. Бу бўлимларда ҳам ўзига хос бўлимчалар мавжуд. Дейлик, ибтидоий жамоа ёки бронза ва илк темир даври... Буларнинг ҳар бирида абитуриентларнинг билим даражаси таҳлил этилган. Улардаги билим орқали мактабда тарих фанига бўлган эътибор, дарсларнинг самарадорлик даражасини билиб олиш мумкин.

Умуман, китобда ҳар бир фан бўйича батафсил таҳлил бор. Таълимдаги жараённинг бундай таҳлили таълим бошқаруви (вилоятлар, туманлар ХТБ), илмий тадқиқот институтлари, илм аҳли учун жуда катта манба ҳисобланади.

Энди бир лицей ёки мактаб раҳбари «бу китоб умумий маълумотлардан иборат, унда кўрсатилган қамчиликлар бизда йўқ», дейиши мумкин. Ўз устида ишлашни хоҳламайдиган, изланишдан қочадиган халқ таълими ходимлари учун яна шу гапни айтишимиз лозимки, Тест марказида ҳар бир тумандаги мактаблардан (мактабнинг сони ҳам аниқ) ҳужжат топширган абитуриентлар алоҳида жамланган ва уларнинг жавоблари фанлар бўйича таҳлил этилган. Нафақат фанлар, балки ҳар бир фан бўлимлари бўйича абитуриентнинг ва ўзўзидан ўқитувчининг даражаси ҳам аниқланган. Буни «Шогирд — устознинг юзи» мақолига амал қилиш деб ҳам тушуниш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси танлов эълон қилади. 3-бет.

Алишер Навоий қитъалари 4-бет.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 февраль куни АҚШ давлат котиби ўринбосари Робин Линн Рафэлни қабул қилди.**

● **Тошкентда Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идораларо кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

● **«Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.**

● **Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бўйича республика штабининг навбатдаги йиғилишида завод қурилиши якунловчи босқичга кирганлиги, унинг жорий йилнинг иккинчи ярмида ишга туширилиши кўзда тутилаётганлиги таъкидланди.**

● **Тайван Президенти Ли Дэнхуэй немис телевидениесига берган интервьюсида КХР билан Пекин таклиф қилаётган «бир мамлакат — иккита тизим» тамойили бўйича бирлашиш имкониятини рад этди.**

● **Собиқ бош вазир Навоз Шариф етакчилик қилаётган Покистон мусулмонлар лигаси партияси душанба куни бўлиб ўтган умумий сайловларда ғолиб чиқди.**

● **Япония Узоқ Шарқ ўрмон ресурсларини ўзлаштириш учун Россияга 100 млн. доллар кредит ажратади. Россия қарзни узиш учун эса Японияга беш йил давомида 3 млн. кубометр ёғоч етказиб бериши шарт.**

Тарих саҳифаси

Аср боши, Тошкентда
Янги мактаб, очган у,
Болаларга дунёвий
Билим нурин сочган у.

Тоҳир ҚАҲҲОР

ЮРТ ДАРДИГА ДАРМОН ИЗЛАГАН ИНСОН

Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли асримиз бошидаёқ Русия босқини зулми, мусулмон мутаассиблиги ва маънавий қашшоқликка қарши маърифат ва зиё тарқатувчи — жадид (янгилик тарафдори) деган ном билан халққа танилган. Шунингдек у тарихда миллий маориф ва маданият, ижтимоий-сиёсий онг тараққиёти соҳасида туб бурилиш ясаган, ўзбек халқи миллий уйғонишига асос солган жадидчилик ҳаракатининг ташкилотчиси ва маънавий раҳбарларидан бири бўлган.

Буюк халқ муаллими ва истиқлол фидойиси Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли 1878 йили Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасидаги Дархон маҳалласида зиёли оилада таваллуд топади. Отаси Абдурашидхон мадрасада мударрис, онаси Хосиятхон эса ўқимишли отинлардан эди. Мунаввар оилада учинчи кенжа ўғил бўлган. У етти ёшга кирганида отаси қазо қилади. Бошланғич таълимни уйда онасидан олади. Аввал Тошкент ва Бухоро мадрасаларида, кейин бироз Туркияда ўқийди. Ўз мустақил ҳаётий фаолиятини эса дастлаб Тошкентда масжит имомлигидан бошлайди.

Бу даврда, яъни XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон, жумладан, Тошкентга Қримдан «Таржумон», Татаристондан «Вақт» ва «Юлдуз», Русиядан «Искра», Туркиядан «Сиротал мустақил» ва «Турк юрди», Мисрдан «Ал-ахром», «Ал-ҳаёт» каби ўнлаб диний-дунёвий ва илғор руҳдаги газета ва журналлар ҳар хил йўллар билан келтирилиб, уларнинг баъзи бирлари эса зиёлилар, мадраса мударриси ва талабалари орасида хуфия ўқилар эди.

Матбуот орқали ёйилган қримлик Исмоилбек Гаспирали ва мисрлик Муҳаммад Абдуҳ каби миллатпарвар улкан олим ва буюк инқилобчи ҳамда маърифатпарварларнинг маориф соҳасидаги ислоҳотлари, айниқса, дастлаб Қримда ташкил топиб, эндигина Туркистон ва Бухорода пайдо бўла бошлаган «усули жадид» деб номланган янги типдаги мактаб Мунаввар Қорида катта ҳавас уйғотади.

(Давоми 4-бетда)

МУАЛЛИМ ШАХСИ

ЁХУД БИР АНЖУМАН ХУСУСИДА

Яқинда республика таълим марказида «Психология фани: унинг ютуқ ва муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртлари, илмий-текшириш илмгоҳларининг йирик руҳшуносларни, мутахассислар, талабалар иштирок этишди. Мазкур фаннинг бугунги кундаги йўналиши ҳақида фикр юритишди. Анжуманда иштирок этган халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев айтдики, психология халқ таълимини ривожлантиришнинг асосий мезони ҳисобланади. Чунки ривожланиш узагида муаллим шахси ётади. Шахс такомили йўлларини эса руҳшунослик белгилаб беради. Шу боис, муаллим шахсини яратиш бугунги кундаги долзарб масаладир.

Анжуманда сўзга чиққан психология фанлари докторлари, профессорлар М. Давлетшин, Ғ. Шоумаров, Б. Қодировлар бугунги кунда психология фани олдида турган муаммолар, уларнинг ечими, йўллари ҳақида маърузалар қилишди.

(Давоми 2-бетда)

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ФИКРЛАР ВА ЗИКРЛАР

Навоий шаҳар «Ширин» маданият саройида вилоят ҳокимлиги ҳамда «Маърифат ва маънавият» вилоят маркази ҳамкорлигида «Истиқлол ва маънавият» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг кўзга кўринган зиёлилари, олимлар, маданият ва санъат ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Конференцияда педагогика институти ректори, профессор Равшан Раҳмонов ва вилоят «Амир Темур жамғармаси» раиси С. Иноятовлар сўзга чиқиб, раҳбар маънавияти ва унинг жамоатчиликка таъсири ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг раҳбар масъулияти ҳақида мунозарали баҳс бўлиб, иштирокчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ФОЙДАЛИ ГУРУНГЛАР

Бу йил инсон манфаатлари йили! Шу муносабат билан яқинда Избоскан туманидаги марказий кутубхона ва маданият уйи ҳамкорлигида «Оила мустақиллиги меҳр-оқибатда» номли дилкаш давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Пайтуғ шаҳрининг намунали оилалари, ҳуқуқшунослар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Давра гурунгида бугунги оилани қандай асраш, бола тарбиясида нималарга эътибор бериш, миллий қадриятларимизни камол топтириш каби масалалар бош мавзу бўлди.

МУЗЕЙ ИШ БОШЛАДИ

Бахмал тумани халқ таълими бўлимига қарашли А. Қодирий номидаги болалар ва ўсмирлар ижодий маркази қошида ўлкашунослик музейи иш бошлади. Айни пайтда музейга 50 дан зиёд экспонат қўйилгандир.

Туман тарихини ўрганиш, бобомиз Амир Темур қадамжоларини зиёрат қилиш, тарихий ва этник топилмаларни тўплаш музей дастурига киритилди. Яқин вақт ичида яна иккита мактабда ана шундай музейларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Муаллифлар: Ф. ЖУМАЕВА, Б. САЪДУЛЛАЕВ.

Ўткир бурчак

Зокир УСМОНОВ чизган сурат.

МАРКАЗНИНГ ФОЙДАЛИ ТАҲЛИЛЛАРИ

ЁХУД ТЕСТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМГА НИМА АЛОҚАСИ БОР?

(Боши 1-бетда)

Албатта, туманларнинг бундай таҳлили биз ҳикоя қилаётган китобда йўқ. Чунки уларнинг ҳар бири мазкур нашр қалинлигидаги бир китоб бўлади. Шундай бўлса-да Давлат Тест маркази Ўзбекистондаги ҳар бир туман учун шундай таҳлилни, яъни туман халқ таълимидаги мавжуд аҳволни кўрсатиб бера оладиган материални ишлаб беришни ваъда қилганди. Аммо бу маълумот барча туман ХТБ мудирларига катта йиғинларда айтилганига қарамасдан кўпчилик ўзининг аҳволидан бохабар бўлишдан қочяпти, деган хулосага келдик. Сабаби, тест марказига бу ўзига хос «Кўзгу»ни сўраб келганлар кўп эмас. Фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри тўлиқ олишган. **Қарангки, мазкур вилоятлардан имтиҳонларга қатнашган абитуриентларнинг аҳволи нисбатан яхши. Аминмизки, эртага булар ҳар бир фан бўйича камчиликларини тузатишга ҳаракат қиладилар ва самарадорлик янада ошади. Ўз устида ишламаганлари, яъни бу материалларни олмаган, ўрганмаганларнинг самарадорлиги эса тескари томонга ошади.** Биз тест маркази бошлиғи Муҳсин ака Муҳиддинов билан туманлар кўрсатгичларини баҳоли қудрат газетамизда ёритиб боришни келишиб олдик.

Энди тагсарлавҳамиздаги — тест натижаларининг таҳлили олий таълимга нима учун керак, деган савол ҳақида икки оғиз сўз. Савол тўғри қўйилган ва унинг олий таълим учун фойдаси бор, деб ўйлайман. Негаки, олий ва ўрта махсус ўқув юртига киролмаган ҳар қайси абитуриентнинг даражаси аниқланганидек, талабаликка қабул қилинганларнинг ҳам савияси аниқланди. Кириш бали юқори бўлган институтлар, факультетлар (лекин улар оз) бундан мустасно. Тест маркази чоп этган биринчи таҳлилий китобда ҳар бир илмгоҳнинг кириш баллари кўрсатилган (маълумки, улар 1995 йилги кириш балидан юқори). Дейлик, уларнинг бирида ўртача бали 150 балл атрофида. Демак энг юқорлари балга 76 балл етмаяпти. Хулоса шуки, шундай олий ўқув юртларда (ўрта махсус ўқув юртларда ҳам) биринчи курсдаги ҳар бир талабанинг фанлар бўйича «аҳволи»ни таҳлил қилиб, биринчи курснинг 1-семестрида қўшимча дарслар уюштиришганда «бугун олий ўқув юртларида рейтинг пулга айланяпти» деган миш-мишни чиқаришмаган (албатта, бунинг бошқа сабаблари ҳам бор, уларни ўрганяпмиз) бўлармиди? «Боланинг аҳволи шу-да» деб «аччиқ» қилаётган домлаларнинг эътирози ҳам ўринсиз. Ўзбекистон бир бутундир. Давлат тизимининг ҳар бир бўлаги бир-бирини тўлдириб бориши керак эмасми? Демак, талабадаги камчиликни олий таълим муассасалари ҳам тўлдириб, унинг етук бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Хулосамиз шуки, тест маркази таҳлилларидан Ўзбекистон келажаги бўлмиш ёшларнинг етук бўлишлари учун ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб фойдалансак фойдадан холи бўлмайди.

Ҳалим САИДОВ.

ХОТИРАЛАР БЎЙИ

Чикагодаги тадқиқот фондларидан бири америкаликлар ҳаётларидаги қандай ҳид ва таъмларни эслаб туришларини аниқлади. Маълум бўлишича, ҳамма нарса даврга боғлиқ экан: 30-йилгача туғилганлар денгиз ҳиди, буғдойзор бўйини, 30-йиллдан кейин туғилганлар эса ёнаётган чиқинди, ёқилғилар ҳидини эслаб туришаркан.



НИСБИЙЛИККА ҚЎШИМЧА

Машҳур физик Альберт Энштейн музлатгичларни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган олим бўлган, демоқда тадқиқотчи Жон Донн. Унинг аниқлашича, А. Энштейн 1925-32 йиллар давомида физик Лео Силард билан биргаликда ихтиро этган 45 та янгилигига потент олган.

ҲАЁТ УЗОҚДА ЭМАС

Бир гуруҳ АҚШ ва Буюк британиялик астрофизикларнинг «Нейчер» журналига берган ахборотларига кўра сайёралар йўлдошида ҳаёт учун яхши шароит вужудга келиши табиий. Улар фикрича, Юпитер ёки Сатурн йўлдошларида ҳам сув ва жонли маҳлуқлар бўлиши мумкин.

ЧЕГАРА

Инсон миясининг ҳажми бундан ортиқ катталаша олмайди, ақлий қобилияти ҳам ўзининг нуқтасига етди. АҚШдаги К. Уинтер бошлиқ бир гуруҳ олимлар узоқ тадқиқотлардан сўнг шундай хулосаларга келишди.



Ҳаяжон — лаҳзалик ҳолат. Дил энтикса, кўз қувонса, инсоннинг чеҳраси очилгай. Руҳиятида бир тўлғониш давом этгай. Кишининг ҳаяжонланиши қувончли воқеа билан боғлиқ бўлса, у бу тўлғанишдан таъсирланиб, йиғлаб юбориши ҳам мумкин.

Насиба Иноятоваға ана шундай ширин ҳаяжон насиб этди. У Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 122-ўрта мактабнинг бошланғич таълим муаллимаси.

«Алифбе» даври тугади. Насибахоннинг қўлида таълим олаётган жажжи болакайлар янги имломизни ажабтовур ўзлаштириб олишди. Ҳарфлар ва товушларнинг кўриниши, талаффузини ўзлаштириб олганликлари «Алифбе» тадбирида сезилди-қолди. Болаларнинг бийрон-бийрон тилда шеър айтишлари, бадиий чиқишлари ушбу тадбирга жон бағишлади. Маърифий-маданий қадриятлар, тарихий манбалар асосида тайёрланган кичик саҳна кўринишларини кузатиб ўтирар экан, Насиба Иноятованинг кўзларида бир нур порлагандай бўлди. У беихтиёр шоирнинг «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» деган сатрларини хаёлидан ўтказди.

Кичкинтойларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ушбу тадбирнинг бошидан охиригача иштирок этишди. Насиба Иноятоваға гуллар тақдим этилди. Бу туҳфа муаллиманинг қалбига бир ҳовуч завқ олиб кирди...

СУРАТЛАРДА: ушбу тадбирдан лавҳалар акс этган.

АБДУЛ ҒАНИ ЖУМА суратлари.

МУАЛЛИМ ШАХСИ

ЁХУД БИР АНЖУМАН ХУСУСИДА

Боши 1-бетда

Мазкур анжуман ва ундаги мубоҳасалар муаллим шахси, шаъни, обрў-эътибори тўғрисида фикр билдирмоғимизга туртки берди.

Эпиграф ўрнида

Кекса бир муаллимимиз айтарди: «Ўқитувчиликнинг нони ҳам, номи ҳам оғир. Бу нонни ейиш қанчалик қийин бўлса, номини кўтариб юриш ҳам шунчалик мушкул».

Бир замонлар...

Қишлоғимизда Эшмат исмлик бир девона бўлгувчи эди. Ёши элликлардан ошган, ўзи беозоргина бу киши биз болаларнинг эрмагимиз эди. Унинг орқасидан эса аямдан кўп дакки эшитганман: «Қўй, ўғлим, гуноҳ бўлади. Кўп эрмак қилма».

Хуллас, ўша Эшмат девонани қўрқитишни яхши кўрардик. Чунки, жуда қўрқоқ эди. Агар бир жиҳати бўлмаганда, балки болаликдаги у воқеалар хаёл саватчасидан тушиб қолган бўларди. Биз «Эшмат, ана, олабўжи келяпти» десак, бирдан доң қотарди, сўнг кўзлари ола-кула, «Малим!» деб бир бақирарди-да, орқа-олдига қарамай қочиб қоларди. Унинг нима учун айнан «Малим» дея бақиришини билмадиму, лекин муаллимдан нажот кутаётгани айни ҳақиқат.

Бу воқеани келтирганим боиси шуки, ўқитувчининг эл-юрт олдидаги мавқеи, ўрни, эътибори хўп юқори эди. Ҳозир эса андак (тўғрироғи, ,анчайин) пасайгандай, ўша мавқе. Бунинг сабаби нима? Нега шундай бўлди?

Суҳбат

Биз Бойсун тумани мактаблардан бирининг 11-синф ўқувчилари орасида сўров ўтказдик: Сиз ёқтирган ўқитувчи? Унинг қайси фазилатларини ҳурмат қиласиз? Сизга маъқул бўлмаган ўқитувчи? Унинг қайси жиҳатларини ёқтирмайсиз? Келажакда ўқитувчи бўлишни истайсизми?

Ўқувчилар қайтарган жавобларнинг баъзиларини айнан келтирмоқчимиз.

«Ёқтирган ўқитувчим бор. Уни ҳурмат қиламан. Бизни ўз дарсларига маҳлиё қилиб қўяди. Бирор марта қаттиқ гапирганларини эшитган эмасман. Болаларимиз ҳам у кишининг дарсида тўпалон қилишмайди. Мен ёқтирмаган муаллим эса бунинг акси. Ўз фанини яхши билмайди. Дарслари зерикарли. Муомалалари ҳам қўпол. Ўқитувчи бўлмоқчи эмасман. Сабабини эса билмайман». Дилафрўз, 11-синф ўқувчиси.

«Муаллимлар яхши дарс ўтса ҳамма ҳурмат қилади». Ҳасан, 11-синф ўқувчиси.

Сўровда қатнашган 25 ўқувчининг барчаси асосан шу мазмунда жавоб берган. Биргина ўқувчи келажакда ўқитувчи бўлишини айтган: *«Адабиёт муаллими бўлмоқчиман. Чунки, бошқаларига қараганда бунга кириш осонроқ». Нигора, 11-синф ўқувчиси.*

Танлов

Шахсни давр тарбиялайди. Агар шахс давр мезонларига қойим тушмаса, четга чиқиб қолиши ҳеч гапмас. Бинобарин, муаллим ҳам.

Ўқувчиларнинг жавобидан кўриниб турибдики, муаллимнинг ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши, энг аввало, унинг комиллигига, ўз фанини чуқур билишига боғлиқ. Ўқувчилар олдида мавқега эга бўлган ўқитувчи шубҳасиз халқ олдида ҳам обрў топади.

Ҳар йили педагогика ўқув юртларини кўплаб талабалар битириб чиқишади. Лекин уларнинг орасидан саноқлилиригина ўз фанининг фидойиси, ҳурмат-эътиборли муаллимга айланади. Нега шундай? Бу муаммони ҳал этиш эса психология фанининг гарданида. Токи мазкур масканларга талабалар махсус психологик тестлар асосида ҳам саралаб олинса. Шояд, шундан сўнг муаллимлар мавқеи бир замонлар даражасига кўтарилса, ажаб эмас.

Асқар ШОКИР.

Акс садо

«Маърифат» газетасининг 1996 йил 23 ноябрь сонида ўқитувчи Маҳмуда Валиеванинг «Дарсингизни қандай ўтасиз?» сарлавҳали ҳажман кичик, мазмунан катта мақоласи эълон қилинди. Аввало шуни айтиб ўтай, бу муаллифнинг журнал ва газеталардаги ҳар бир чиқиши мен учун қизиқарли. Унинг ёзганлари менда янги фикр уйғотади.

Хўш, дарсингизни қандай ўтасиз? Мен ҳар хил усулда дарс ўтаман. Дарс типларини амалиётга тадбиқ қилганман. Одатдаги дарслардан тортиб суҳбат дарсигача синовдан ўтказдим. Қай бирида ўқувчилар кўпроқ дарсга аралашиши, оғзаки ва ёзма нутқларини чархлашлари, мустақил фикрлашга ундайдиган йўлларини изладим. Ва шундай хулосага келдим: ўқитувчи фақат 45 минут дарс билан чегараланиб қолса, ўз мақсадларига етолмас экан. Дарсдан ташқари ҳам болаларга нималарнидир айтиб, кўрсатиб, тушунтириб, ўрнак бўлиб юрмоғи лозим. Меҳнатимизни юзага чиқара билиш эса ўқувчилар учун кони фойда. Дарс пайтида биргина ўқувчингизни рағбатлантириб қўйсангиз, қандай хурсанд бўлади. Агар уни катта мажлисда рағбатлантирсангиз, кўпчиликка намуна қилиб кўрсатсангиз, у сизни, сизнинг фанингизни севиб қолади.

Тажриба орқасидан муваффақият келади. Ўқувчилар ҳам сизнинг кетингиздан тажриба орттириб борадилар. Умуман, мен оддий ўқитувчи сифатида дарсларимнинг қизиқарли бўлишини истайман. Лекин, расмиятчилик билан умуман келишолмайман. Менга ишонишларини истайман. Ўқувчилардан анкета асосида сўровлар ўтказилиши, ота-оналар фикри ҳисобга олиниб, йил охирида ўқитувчилар фикри билан бирга муҳокама қилинса, балки ўринли бўлар. Сиз турли усуллар ахтариб, янгиликлар излаб юрганингизда «ундай қилиб ўт, бундай қилиб ўт» деб кўрсатсалар, ишнинг пачаваси чиқади. Тест-синови ишнинг натижасини аниқ кўрсатади.

ДАРСЛАР ХИЛМА-ХИЛ БЎЛСА

Мен адабиёт дарсларида «илҳом билан ўтиладиган дарслар бор», десам ҳеч ким инкор қилолмайди, ҳатто катта услубчилар ҳам. Мен эркин дарс ўтишни истайман. 9-«Б» синфда она тили дарсидан «расм асосида ҳикоя тузиш» мавзусида очиқ дарс ўтдим. Дарс қизиқарли бўлди: 15 ўқувчининг ҳар бирига биттадан расм бериб гапиртирдим. Суратга сарлавҳа топишдан тортиб гўзалликни ҳис қилишгача айтилди. Очиқ дарс намунали дарсдир, дейишади. Лекин мен учун ҳамма дарс бир. Қандай бўлганда ҳам ўқувчига янги тушунча бериш керак. У нимаанидир билиб олсин: ё сўзни, ё гўзалликни, ё шеърни, ё санъатни. Бунинг учун синфни бошқара билиш, болани қизиқтириш, эргаштира олиш керак.

Дарсингиз, фаолиятингиз қизиқарли бўлса, сизга қизиқувчилар кўпаяди. Энг асосийси ишимиздан завқ ола билайлик, самарадан завқланайлик. Мен чарчаган пайтларимда шогирдларим билан юпанаман.

Менимча, адабиёт ўқитувчиси — руҳият кишиси. Болалар психологиясига кўпроқ образлар орқали таъсир қилса, дарс қизиқарли бўлади. Бугун индуктив метод ҳақида гапирилаяпти, бу методнинг ҳам замирида фаоллаштириш, болани қизиқтириш ётади. Хуллас, ўқитувчиларимиз дарс ўтишлари ҳақида матбуотда қатнашсалар. Ҳар жойда ҳар хил имконият бор. Балки бир-биримизга фойдамиз тегиб қолар.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Тўрткўл туманидаги
54-лицей-мактаб директори.

РАФЭЛ ХОНИМ ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

АҚШ давлат котибининг ўринбосари Р. Л. Рафэл мамлакатимизга ташрифи чоғида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети раҳбарияти ва талабалари билан учрашди.

Меҳмон Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқалар ҳақида гапириб, Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи бу борадаги ҳамкорликни янада ривож топишига ҳисса қўшганлигини таъкидлади.

Учрашувда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стэнли Эскудеро иштирок этди.

МУХБИРИМИЗ.

МЕТАЛЛ ЙИҒИШДИ

Республика мусиқа мактаб-интернати маъмурияти бу йилги қора ва рангли металл парчаларини йиғиб топшириш бўйича ўз зиммаларидаги режани 10 тонна ўрнига 10 тоннаю 130 кг қилиб бажарганлигини маълум қилади.

* * *

Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани халқ таълими бўлими ҳам мазкур масалада илғорлар сафидан жой олди. Улар режадаги 65 тонна ўрнига 67 тонна металл парчаларини йиғиб топширишди.

Лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувини ўрганамиз

OLTINCHI MASHGULOT

H h (Ҳ ҳ)

H h — лотинча босма шакли. Кириллча босма шакли — Ҳҳ. Лотинча алифбода еттинчи ўринда турса, кириллчада ўттиз бешинчи.

H h ҳарфининг амалда қўлланилиши қуйидагича:

Hosil — ҳосил, hamma — ҳамма, isloh — ислоҳ, ogoh — огоҳ, nikoh — никоҳ, shahar — шаҳар, nihol — ниҳол, Hulkar — Ҳулкар, Habiba — Ҳабиба.

Hamma ham tinch yashasin — Ҳамма ҳам тинч яшасин. Bu yil hosil mo‘l olindi. — Бу йил ҳосил мўл олинди. Shamsiddin shaharga boryapti — Шамсиддин шаҳарга боряпти. Otam hozir kelib qoladi — Отам ҳозир келиб қолади. Bahora Buxorodan nihol olib keldi — Баҳора Бухородан ниҳол олиб келди.

Вазифа: H h ҳарфининг якка ҳолда, сўз ичида ва сўзлар орқали гап таркибида қўлланишига уч-тўрттадан мисол ёзинг.

J j (Ж ж)

J j — лотин ёзувидаги босма шакли. Кириллда босма шакли — Ж ж. Алифбода лотинча J j тўққизинчида турса, кириллчада эса саккизинчи ўринда туради.

Jo‘raboy — Жўрабой, juft — жуфт, juda — жуда, fojia — фожиа, joy — жой, jon — жон, natija — натижа, vujud — вужуд, jom — жом, majbur — мажбур, jozibali — жозибали, jang — жанг.

Jo‘raboy jozibali yigit — Жўрабой жозибали йигит. Guljahon jon-jahdi bilan ishga kirishdi — Гулжаҳон жон-жаҳди билан ишга киришди. Jonibek Jomda yashaydi — Жонибек Жомда яшайди. Guljon ajoyibotlarni jonidan ham yaxshi ko‘radi — Гулжон ажойиботларни жонидан ҳам яхши кўради. Guljahon Jom qishlog‘ida yashaydi — Гулжаҳон Жом қишлоғида яшайди.

Вазифа: J j ҳарфининг якка ҳолда, сўз ичида, сўзлар орқали гап таркибида қўлланилишига бир нечта мисол ёзинг. Вазифани бажаришда ҳарфнинг алоҳида ёзилиши, сўз ва гап ичида ўзаро қўшилиб ёзилишига хос хусусиятларни ҳамма вақт ёдда тутинг.

(Боши ўтган сонларда)

(Давоми бор)

Маорифимиз фидойилари

ЗИЁКОР

Олис-олисларда қорли чўққилари булутларга қадар чўзилган пурвиқор Ургут тоғ тизмалари, афсонавий қўшчинор ва минг йил яшаган арча, жийдазор, бодомзор, бир-бирига боғланиб кетган илон изи йўллар. Улар сизни қадимий ва кўҳна Уйрўғул қишлоғига олиб боради. Тарихий манбаларда ёзилишича, ўтмишда қишлоқ четидан Буюк ипак йўлининг карвонлари ўтган. Бу жойда савдогарлар дам олишиб, икки-уч кунлаб тунаб қолишган. Тоғ этагидаги чашмалардан сизиб чиқаётган шифобахш зилол сув ўтган-кетган йўловчиларнинг чанқоғини қондирган.

Зар кокилли, жўшқин Зарафшондан сув ичган, одамлари пок, кўнгиллари беғубор, замини сахий, табиати афсонавий, ҳавоси ҳузурбахш тоғ қишлоғида лавҳамиз қаҳрамони Обрў ака Аҳроров умр гузаронлик қилади. Бўлажак муаллимни болалик кезлариданоқ оддий ўзбекона турмуш тарзи, шароит четлаб ўтмади. Аслида ҳаётда бирор-бир касбни эгаллашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун кишида, аввало, туғма истеъдод, ўқув, қизиқиш каби сифатлар мужассам бўлиши керак. Обрў Аҳроров ҳам ўзи севган касбнинг барча сир-синоатларини пухта эгаллаш йўлидаги жамики тўсиқ ва қийинчиликларни чидам, сабот, ўқув, ирода билан енгиб ўтди. У ҳеч маҳал тушкунлик кайфиятига берилмади, устоз-мураббийлари панд-насиҳатларига қатъий амал қилди. Инсонга Оллоҳ томонидан инъом этилган умр бекор, самарасиз ўтмаслиги керак. Одамларнинг корига ярагулик ҳиммат зарур. Зеро, аллома боболаримиз маърифатсиз кишини бежизга дардсиз кесакка ўхшатмаганлар.

Обрў Аҳроров Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида ўқиди. Ўз меҳнат фаолиятини Ғаллаорол туманидаги 68-ўрта мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлади. Сўнгра Паст Дарғомдаги бир қатор мактабларда муаллимлик қилди. У ташкилотчилик борасида етарли тажриба ва малакага эга бўлгач, ўзи туғилиб ўсган Нуробод туманидаги 51-ўрта мактабга директор этиб тайинланди. Обрў Аҳроров раҳбарлик қилган йилларда мазкур ўқув даргоҳи нафақат туманда, балки Самарқанд вилоятида ҳам ибратли билим масканларидан бирига айланди. Чунончи, зиё маскани янада кенгайтирилиб, қўшимча синф хоналари қурилди. Таълим бериш билан бирга амалий машғулотлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

— Бола тарбияси, мактаб ҳаёти ҳақида гап кетгудек бўлса, даставвал буюк файласуф Дантоннинг сўзлари бот-бот хаёлимга келаверади, — дейди Обрў ака. — «Мактаб ҳам нондек азиз» деган экан у. Нон тириклик манбаи, мактаб эса инсоннинг маънавий оламда мавжудлигини таъминловчи муқаддас даргоҳ. Инсон одамийлик, инсоф, адолат, меҳру мурувват, илм- фан, маданиятни илк бор оилада, сўнгра мактабда ўрганади.

Обрў ака серфайз хонадон соҳиби. У 9 нафар фарзанднинг отаси. Ширин-шакар набираларнинг бобоси. Бугунги кунда зиёкорнинг ўғил ва қизларининг кўпчилиги ота касбини танлашган.

Қуёш уфққа оҳиста бош қўйиб, самода минглабситоралар ғужғон ўйнаган бир маҳалда Обрў ака билан хайрлашдик. Қайтар эканман, хаёлимдан бир ўй кечди: «Ҳаёт шундай фидойи инсонлар билан гўзал». Келинг, уларни эъзозлайлик.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Президент И. Каримовнинг 1997 йил 7 январдаги Фармонига мувофиқ Президентнинг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» Жамғармаси тузилганлигини мамнуният билан маълум қилади.

Жамғарманинг асосий мақсадлари:

— таълим олишнинг устувор йўналишлари бўйича жаҳоннинг илғор тажрибасини ўрганиш;

— бошқаришнинг замонавий усулларини ўрганиш, англаш ва эгаллаш;

— мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги иқтидорли ёшларга хорижда ўқиш учун адолат асосида тенг имкониятлар яратиш;

— ёшларнинг чет элда таълим олиш имкониятларини тубдан кенгайтириш ва шу мақсадда хориждаги энг обрўли таълим масканларини мустақил равишда танлаш;

— хорижда ўқишга ўз халқига фидоий, Президентимиз айтганларидек «Элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган» иқтидорли ёшларни йўллаш.

Жамғарма тузилиши билан:

— хорижий мамлакатларда иқтидорли ёшларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг устувор йўналишлари учун юксак малакали миллий кадрлар тайёрлашдек улуғвор фаолиятнинг бошланишига асос солинди;

— хорижий тилларни биладиган истеъдодли ёшлар вакиллари АҚШ, Англия, Франция, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги дунёга таниқли ва машҳур ўқув юртларида жаҳон меъёрлари даражасида илмга эга бўлишлари учун Президент грантларини олишдек ҳали тарихимизда мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлдилар.

Таълимнинг асосий йўналишлари:

1. Иқтисодиёт
— монетар сиёсат ва пул муомаласи;
— тижорат банклар иши;
— молияни бошқариш;
— инвестиция ва қимматбаҳо қоғозлар бозори;
— менежмент ва маркетинг.

2. Халқаро ҳуқуқ
— халқаро сиёсий ва ҳуқуқий алоқалар;
— халқаро молия ҳуқуқи;
— халқаро тижорат ҳуқуқи.

3. Информатика ва компьютерлаштириш
4. Табиий фанлар
5. Қишлоқ хўжалиги
6. Экология ва сув тизимларини бошқариш
7. Журналистика

Таълим қуйидаги шаклларда олиб борилади:

1. БАКАЛАВРЛИК –
олий ўқув юртлари дастури бўйича таълим (4 йилгача);
2. МАГИСТРАТУРА –
аспирантурага тенг келадиган таълим (2 йилгача);
3. ТАЖРИБА ОРТТИРИШ –
ёш мутахассисларнинг танлаган касби бўйича малакасини ошириш ва жаҳон меъёрлари даражасида тажриба ўрганиши (1 йилгача).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ:

— ёшларнинг хорижий мамлакатлардаги таълим олиш ва яшаш сарф-харажатлари учун маблағ ажратишни ўз зиммасига олади;

— ўқишни муваффақиятли тугатган ёшларни республиканинг устувор ҳисобланган иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида ишлаш учун йўллашни КАФОЛАТЛАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ:

— мамлакатимиз ёш фуқароларини ҳар томонлама етук бўлиб шаклланишлари, Республикамизнинг иқтисодий ривожланган, кучли демократик давлат сифатида юксалтириш йўлида ўз истеъдодларини рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар очилганлиги билан МУБОРАКБОД ЭТАДИ;

— хорижий мамлакатларда Ўзбекистонни, унинг таълим мактаби ва илмий анъаналарини ўзига муносиб равишда кўрсата олиш, ўзи танлаган соҳада замонавий билимларни эгаллаш, ўз истеъдодларини юксалтириш каби масъулиятли бурчларини шараф билан бажаришларида иқтидорли ёшларга муваффақиятлар тилайди.

ГРАНТ ОЛИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРУВЧИ ЁШЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:

— элим деб, юртим деб, ёниб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқоди ва бурчи деб билиш, ўз онгли ҳаётини миллий истиқлол ғояларига бағишлаш;

— умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида одоб-аҳлоқ ва кенг дунёқарашга эга бўлиш;

— таълимнинг ўзи танлаган йўналиши бўйича чуқур билимларга эга бўлиб, камида бирорта хорижий тилни билиш.

Танловда қатнашиш учун керакли ҳужжатлар ва саралаш шартлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй, тел. 45-57-40, 45-62-55

1997 — 1998 ўқув йилида бакалаврлик ва магистратура бўйича таълим олиш учун саралашда иштирок этишга ҳужжатлар 1997 йилнинг 10 мартига қадар қабул қилинади.

Эртага Алишер Навоий таваллуд топган кун

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚИТЪАЛАРИ

Қитъа — Навоий лирикасида, мавқеига кўра, ғазал ва рубоийдан кейин турувчи муҳим жанр. «Хазойин ул-маоний»да жами 210 («Бадойиъ ул-васат»да 60 та, қолган девонларда 50 тадан) қитъа берилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-салом ҳадисларидан қирқтасини Абдурраҳмон Жомий форсий тилда шеърга солади. Навоий ана шу пири ва устозидан рухсат сўраб, уларни туркийга шеърий таржима қилади. Жанр нуқтаи назаридан ана шу қирқ шеърий ҳадис ҳам — қитъа. Девонларга ёзган дебочаларида ҳам шоир қитъалар келтиради.

Хуллас, Навоий 300 дан ортиқ қитъа битиб, ўзбек қитъачилигини юксак савиянга кўтарди.

Таъриф:

Турли ҳаётий мавзуларда битилиб, жуфт мисраларигина (абвбдб ва ҳоказо тарзда) ўзаро қофияланиб келадиган ва бир мустақил шеърий лавҳа бўлмиш лирик турга қитъа дейилади.

Навоий қитъаларининг мавзу доираси бағоят кенг. Мавзусига кўра қитъаларни, шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

а) умумий (ижтимоий, фалсафий-ахлоқий) масалаларга бағишланган қитъалар;

б) муайян (аниқ воқеа-ҳодиса, бирор шахс фаолияти билан боғлиқ) масалаларга бағишланган қитъалар.

Шоир қитъалари унинг дунёқараши, замонасига муносабати, фалсафий нуқтаи назари, ахлоқий-дидактик мезонларини кўрсатиб туради. Улар Навоий таржимаи ҳолини аниқлаштириш бўйича ҳам жиддий аҳамиятга эга.

Қитъа лирик қаҳрамоннинг муайян масалага аниқ-тиниқ муносабат билдириши жиҳатидан бошқа жанрлардан ажралиб туради.

Навоий қитъаларининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларнинг «Хазойин ул-маоний»га киритилган барча намуналарида махсус сарлавҳалар мавжуд. Шоир қитъада айтмоқчи бўлган гапининг қарийб ярмини сарлавҳадаёқ ўқувчига маълум қилади. Сарлавҳа баъзан бутун бошли бир жумлани ташкил этади. Айрим сарлавҳаларда мазмун амалда тўла баён этиб қўя қолинади. Фақат энди қитъанинг ўзида бу фикр шеърий йўл билан, яъни таъсирчан қилиб ифодаланади.

Қитъаларда ҳаётнинг муайян масаласига лирик қаҳрамоннинг узил-кесил муносабати тугал бир тарзда баён этилади. Навоий қитъалари шоир донишмандлигини кўрсатиб турувчи зўр намуналар янглиг қадрли. Қитъа — шоирга ҳаётнинг у ёки бу масаласига бевосита муносабат билдириш учун қулай бир шакл. У шеърий фикр айтишнинг фақат қитъагагина бериладиган имкониятидан жуда маҳорат билан фойдаланган.

«Чун ғараз сўздин эрур...» қитъаси. Чаҳорёрлардан бири, тўртинчи халифа, Муҳаммад пайғамбарнинг куёвлари — ҳазрати Алининг: «Ўнзур лимоқола лотанзур лиманқола», — деган сўзи жуда машҳур. Бу: «Ким айтаётганига эмас, нима деяётганига қара», — деган маънони беради. Навоий шу ҳикматни шеърга солиб, қитъа ёзган. Қитъага шундай сарлавҳа қўйилади: «Амир ул-муъминин Али, каррамаллоҳу важҳаҳу, сўзига таржимаким — унзур лимоқола лотанзу лиманқола». Сарлавҳада Алининг ҳикмати арабчалигича келтирилади, шоир уни шеърий таржима қилганини айтиб ўтади. Ҳикмат мана бундай шеърга солинади:

Чун ғараз сўздин эрур
маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ
эр.
Сўзни ҳолин боқма, боқ
сўз ҳолини,
Кўрма ким дер они,
кўргилким не дер.

Халқимизда: «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин», — деган мақол бор. Демак, айрим кишиларда гапнинг ўзига эмас, уни ким айтаётганига қараб муомалада бўлиш одати шаклланган. Навоий ҳазрати Алининг ана шунга тескари қилиб айтилган ҳикматини шеърга солиш орқали инсонларнинг жинсига, эгаллаб турган лавозими, ижтимоий мавқеига қараб эмас, маънилими-маънисизми гапирганига қараб қулоқ солиш лозимлигини уқтиради. Чунки сўзлашдан мақсад — бирор маънони етказиш. Шундай бўлгач, ким — аёл кишими, эр кишими сўзлаётганига, **яъни сўзчи ҳолига эмас, сўз ҳолига** боқиш керак. Сабаби — фикрнинг ким томондан айтилаётгани эмас, нима деяётгани муҳим.

Ақл ёшда эмас, бошда, — дейилади яна бир ўзбек мақолида. Ёш бўлса ҳам, ўзидан катталарга қараганда ақлироқ фикр айтса, ўшанга қулоқ солиш керак. Демак, қитъада Навоий қарашларининг халқона ҳикматлар билан жуда ҳамоҳанг экани аён бўлади.

Қитъа рамали мусаддаси мақсур, яъни:

фоилотун фоилотун фоилун

вазнида битилган:

Чун ға+раз сўз(ди+н э+рур маъ)ни а+нга

- у - - - у - - - у -

Султонмурод ОЛИМ.

(Давоми бор).

«УЛУҒ ШОИР» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ ВА МУАММОНОМА

Азиз муштарийлар! Аввал улуғ мутафаккир шоир Мир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига оид таърифланган сўзларни топиб шакл марказидаги хоналарга йўналиш бўйича ёзиш билан машқни ҳал этинг.

Рақамли хонадан айлана бўйича:

1. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган мумтоз ашула. 2. Шоир асарларига мусиқа ёзган таниқли ўзбек бастакори ва хонандаси, академик. 3. Алишер Навоий яшаган шаҳарлардан бири. 4. Бадиий ижодда хамсачиликни бошлаб берган озарбайжон мумтоз шоири. 5. Алишер Навоийнинг тоғаларидан бири, замонасининг етук шоири. 6. Шоирнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги бош қаҳрамонлардан бири.

Ёйлар бўйича: 7. «Фарҳод ва Ширин» достони қаҳрамони. 8. Шоир тахаллусларидан бири. 9. Беш мустақил достонни ўз ичига олган нодир асар. 10. Алишер Навоий ўз устози деб билган, форс-тожик мумтоз шоири, улуғ мутафаккир хамсанавис. 11. Алишер Навоий ҳаётининг асосий даври ўтган ва кўплаб обидалар қурилган шаҳар. 12. Шоир «Хамса» асари достонларидан бирининг қаҳрамони— севги - садоқат тимсоли бўлган маъшуқа.

Алишер Навоийнинг қуйида келтирилган ҳикматларида рақам билан ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз, 7, 1, 4, 18 ила.

2. Айтур сўзни айт, айтмас сўздин 10, 1, 6, 12.

3. Олимки писандидадур ҳисоли билгил,
Билимин тан аро руҳ мисоли билгил.
Комилда керак билим хаёли билгил.

4. Маъдани инсон гавҳари сўздурур,
Гулшани 17, 13, 1, 9 самари сўздурур.

5. Ким оз деди сўз айшу кам ўлди анга,
Сўз қоидасида 2, 4, 12, 2, 15, 17, 9 ўлди анга.
Ҳаддин ўта ҳар кимки калом ўлди анга,
Бу хил каломдин малол ўлди анга.

6. Бошни фидо 10, 2, 3, 5, 2, 3 ато бошиға,
Жисмни қил садқа ано қошиға.
Тун кунинга айлагали нур пош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

7. Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд
Паст этар эл хайлни 16, 1, 11, 14, 2 баланд.

Энди шаклдаги рақамларни жавоб сўзларидаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан Алишер Навоийнинг яна бир ҳикмати аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ.



ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Сабр-қаноат азалдан Шарқ халқлари, хусусан, мусулмон миллатида юксак қадр топиб келган. Ўтмишда яшаган ва тарихда ўзига хос сулук қолдирган уламои муттақинларнинг қай бирини олмайлик, пири комиллик даражасига, энг аввало, сабр билан мушарраф бўлишганини кўрамиз.

Сиз билан биз ҳам бир ойдирки, кунглимиз тубидаги сабрга баҳоли-қудрат эришдик. Яъни кечалари бедор бўлиб, кундуз кунлари ҳар биримиз ўз касби коримиз билан банд бўлсак-да, қалбимизни Аллоҳга боғлаб рўза тутдик. Аслида Рамазон ойида ўттиз кун рўзадор бўлганимизнинг икки хил маъноси бор. Рўзанинг луғавий маъноси бу — ўзини тутиб туриш, бирор нарсадан тийилиш бўлса, шаръий ҳукми субҳ(тонг)дан то қуёш боттунича еб-ичишдан, тилимизни эса ёлғону ғийбат каби ноахлоқий сўзлар талаффузидан тамоман тортганимиздир.

Эртага якун топадиган Рамазон ойларининг бизга берган сабоғидан яна бири шу бўлдики, ўттиз кун тонгдан қуёш боттунича емоқ ва ичмоқдан тийилиб, танамизни очликка чиниқтириб, ўзимиз сезмаган ҳолда гуноҳлардан ҳам фориғ бўлдик. Ва тиббий нуқтаи назардан танамизни янада мусаффо қилдик. Чунки Рўза тутишлик инсонни сабр-бардошга чақириш билан бирга, унинг танасида йиғилиб қолган турли хил касаллик ташувчи

микробларнинг вужудни тарк этиб чиқиб кетишига сабабчи бўлади. Бу ҳикматни жаҳон табобати аллақачон тан олган.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Германиядаги 29 та клиникада беморлар айнан Рўза тутгириш билан даволанаркан. Беморларни рўзадор ҳолатда даволаш бўйича катта мутахассис саналувчи доктор Хеллмут Лютзнернинг таъкидлашича, Рўза тутиш билан одам ўз танасидаги йиллар давомида йиғилган заҳарлар ва ифлосликлардан фориғ бўлади.

Доктор Otto Buchinger (1882-1970)нинг «Шифобахш рўза» номли китобида у ўзининг оғир касалликка чалинганида қандай қилиб тиғсиз (операциясиз) даволаганини ёзади.

— Мен, — дейди доктор Otto Buchinger, — Рўза тутиш натижасида зеҳним ва руҳиятимдаги қуйидаги ўзгаришларни ҳис этдим:

— Рўзадор кунларим фикр тушунчаларни бир нуқтага тўплаш қобилиятига янада яхшироқ эга бўлдим;

— вужудим билан бирга тушунча ва ҳиссиёт оламида ҳам катта бир ҳассоситга эришдим;

— асаб таранглиги озайди;

— юрганда ва велосипед минганда вужудимдаги чидам ортганлигини ҳис қилдим.

Хуллас, Рамазон ойи давомида биз ўзимиз билмаган ҳолда кўп яхши хислатларни танамизга сингдирдик. Қариндошуруғлар, ёру биродарлар билан ҳар кеч дуо қабул буладиган ифторлик сонияларида дастурхон атрофида жам бўлишиб, элюрт ҳақига хайрли дуолар қилиб, Аллоҳдан қут-барака, Ватанимиз осойишталигини, деҳқонларимиз касби-корига хайру баракани сураб дуолар қилдик. Ва иншоолоҳ, қай бирларимизнинг дуоларимиз ижобат ҳам бўлди.

Бу ойда қалбимизда сабр билан ёнма-ён, меҳр-мурувват, иззату ҳурмат, қариндош-уруғларга нисбатан муҳаббат хислатлари янада камол топди. Чунки бу ҳислатлар Рамазоннинг асл фазилатларидан биридир.

Рамазонни меҳр-мурувват, раҳм-шафқат ойи, иймону эътиқод, шарму ҳаё каби қадриятлар мужассамланган ой дедик. Зеро, шундай. Ҳар йили икки ҳайитда ҳар биримиз ҳайит намозини адо қилгач, ота-онамиз зиёратига, ундан қариндошуруғлар, ёру биродарлар, ёши улуғ кишилар дийдорига талпинамиз. Ва бир-биримизни қучиб, «Ҳайитингиз муборак бўлсин!» дея қутлаш орқали юзимизда самимият, шодликни зоҳир қилишимиз ҳам айнан Рамазоннинг бир ой давомида бизга сингдирган ахлоқий фазилатидир.

Рўза тутишдан, аниқроғи, Рўзанинг фарз бўлишлигидан мақсад — Яратганнинг инсоният оламига берган яна бир имконияти, ёмонликдан қайтариб яхшиликка даъвати, қалбларимиздаги ҳасад уруғини кун бўйи сувсиз юриб, қуритиш, ҳавас, саховат, мукаммал иймон соҳиби бўлишликка ишора деб тушунмоқ ҳақиқатга бир қадар яқинроқдир. Ана шу ҳақиқатни топиш эса аслида Ҳақни топганимиздир. Ҳаққа яқинлашиш билан биз узликни топамиз. Узлигини топган инсон энди ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайди. Эл-юрт манфаатини ўз зарурияти-дан устун деб билади.

Рамазон ойида яна шундай тунга юзма-юз келдикки, бу — «Лайлат-ул-Қадр» кечаси эди. Қуръони Каримнинг «Қадр» сурасида зикр этилишича, бу тунни ибодатда бедор ўтказган кишилар минг ойлик қилинган ибодатнинг савобини топарканлар.

Қуръони Каримнинг «Қадр» сурасидаги оятлар инсонни бекорга бедорликка даъват этмаяпти. Чунки бедор қалбда доимо миллат ва Ватан дарди жўш уриб туради. Энди у ғафлат дунёсини тарк этиб, мудроқ босган кўзларни, бир қадар ҳасад пардаси билан қопланган қалбларни равшан тортириб, зиёга, маърифатга интилади. Маърифатли киши эса доимо қўни-қўшнисига, халққа фойдали амалларни қилади. Биз бугун ватандошларимиз деб нисбат бераётган зотлар имом Бухорий, имом ат Термизий, имом Замахшарий, имом Дарамий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро қолдирган тарихий меросларини айнан ана шу «Қадр» кечаларидаги бедорлик туфайли ёзилиб, жаҳон меҳварида дурдона даражасига кўтарилди.

Ана шундай азалий қадриятларни ўзида мужассам этган эртанги ҳайит — сайҳидул айём ийд-ал-Фитр ҳаммамизга муборак бўлсин!

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли.

ЮРТ ДАРДИГА ДАРМОН ИЗЛАГАН ИНСОН

(Боши 1-бетда)

Тез орада у Қримда анъанага айланган мусулмон мактабидан ҳар томонлама илғор бўлган, шу усули жадид мактаби тарафдорлари сафига қўшилиб, мактаб очади, «Тошкент жадидларининг отаси» деган шарафли номга сазовор бўлади. Шу икки аср оралиғидан бошлаб, Тошкент ва бутун Туркистон ҳамда Бухорода халқ маорифи соҳасида ўқитиш, хат-савод чиқариш, таълим-тарбия бериш, мактаб ташкил этишда услубий жиҳатдан бутунлай фарқланувчи, ғоявий жиҳатдан бир-бирига душман бўлган иккита тушунча ва ҳаракат пайдо бўлади. Уларнинг бири «усули ҳижо» яъни «усули қадим», «қадим»чилар, иккинчиси, «усули савтия» (товуш усули) яъни «усули жадид» (янги усул) — «жадидчилар» деб номланди. Булар ўртасидаги қарама-қаршилик мутаассиблик ва тараққийпарварликдан иборат бўлиб, то октябр тўнтариши ва шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларигача давом этади. «Қадим»чиларга мутаассиб диний уламолар, «жадидлар»га эса Мунаввар Қори ва унинг тарафдорлари бошчилик қилади. Бу мусулмонлараро келишмовчиликлардан аввал Рус подшоси босқинчи ҳарбий маъмурияти ва унинг зиёли миссионерлари, кейин эса коммунистлар ҳам жуда усталик билан фойдаланади.

Инқилобдан аввал мутаассиб жоҳиллар жадидлардан Муҳаммадшариф Суфизодани Чустдан бадарға қилса, Самарқандда Сиддиқий Ажзийни 5-6 минг кишилик жамоа олдида «кофир» деб эълон қилади. Тошкентда эса Мирмуҳсин Шермуҳамедов эски Жува расталарида сазойи қилиниб калтакланади.

Мунаввар Қори 1929 йилда «Хотираларим» асарида ёзади: «Январь (1919 йил. С.Х.) воқеалари муносабати билан уламолар фирқаси бир неча соат ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, ғалаба қозонди. Бу имкониятдан улар бутунлай тараққийпарварлардан ўч олиш учун фойдаландилар. Тараққийпарварлар болшевойлар фирқасига аъзоми, аъзо эмаслиги сўраб-суриштирилмай, излаб топилиб калтакландилар».

Мунаввар Қори мутаассиблик билангина эмас, балки Николай подшо мустамлакачилари, шунингдек, шўро ҳукумати ва Комфирқанинг миллат маънавиятига ҳамда тараққиётига қарши олиб борган сиёсати билан бутун умр буйи курашди. Асримиз бошидаги инқилобий ҳаракат ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт Мунаввар Қорининг педагогика ва таълим-тарбия ҳақидаги қарашларининг янада ривожланишига туртки бўлади. Ундаги маърифатпарварлик маданий ва ижтимоий-сиёсий фаолият билан биргаликда уйғунлашиб юксак даражада ривожланади. У болалар тарбияси, мактаб иши билан чекланмай, катта ижтимоий-сиёсий педагогика ва тарбия, яъни бутун халқ, миллат тарбияси билан машғул бўлади.

Бунинг учун асосий омил деб, у миллий жадид мактаби, миллий жадид матбуоти ва театрини тушунади. Унинг ўзи болалар учун ўнлаб шеър ва шеърий ҳамда насрий ҳикоялар ёзиши билан бирга ёш ижодкорлар асарларини тўплаб нашр этишга бошчилик қилади. Бу ўринда Мунаввар Қори «Туркистон кутубхонаси» нашри муассисларидан бири бўлиб, Ҳамза Ҳакимзода асарларини нашр этишга ёрдам бериши ва унинг ўзига бадиий ижодиётда устозлик қилиши диққатга сазовордир.

Мунаввар Қори бошқа маслақдош дўстлари билан биргаликда «Мусулмон драма санъати ҳаваскорлари жамияти — «Турон»га ҳарбий маъмуриятдан расмий рухсат олишга муваффақ бўлади, 1913 йилда.

Бу театр труппасининг биринчи асари 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги Колизей театрида очилиши олдидан катта нутқ сўзлайди. Унда театрнинг тарбиявий аҳамиятига жуда юксак баҳо беради. Жумладан у шундай дейди: «...баъзи кишиларимиз театрга, эҳтимолки ўйинбозлик ёки масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки, театрнинг асл маъноси, «Ибратхона» ёки «Улуғлар мактаби» деган сўздир. ...унга ким кирса ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур».

Мунаввар Қорининг миллатни ижтимоий-сиёсий руҳда тарбиялашда тутган яна бир ўрни унинг миллий матбуот ва журналистикани яратишга қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Бу соҳада ҳам у биринчилар қатори ибратли ишларни амалга оширади, баркамол ижодий меҳнат қилади, миллий матбуот ва журналистика пойдевори тошларини ўзи теради. Мунаввар Қори матбуотда қуллик занжирида бўлган ўзбек миллати дарду аламини ёритиш ва руҳини кўтариш билан бирга уни озодлик ва ҳуррият сари даъват этади. Тошкентда ёшлар тарбияси, билим олиши, ўқиши учун ғамхўрлик қилувчи мусулмон жамиятнинг ташкил топиши ҳам Мунаввар Қори билан боғлиқ бўлди. У 1909 йилда ёш дўстлари Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Қарим Норбеков ва бошқалар ҳамкорлигида «Жамияти хайрия»ни ташкил этади. Бир неча йил у катта бойлар ёрдамида ўз сармоясига эга бўлиб, ожиз ва камбағалларга иона бериб туради. 1913 йилга келиб бу жамият ўзаро келишув асосида «Дорул ожизин» номи билан қайта ташкил этилади. У энди асосан ёш тараққийпарвар жадидлар қўлига ўтади. Мунаввар Қори унинг раиси муовини бўлиб сайланади. «Тошкентда мусулмон жамияти» номли мақоласида Мунаввар Қорининг ёзишича, жамият қўшимча пул топиш йўлларини яхши ўйлаб топган.

(Давоми бор).

Хуллас...

УЙНИ ЎҒРИ УРДИ

Сарлавҳани ўқиб, дарҳол хаёлингизга келади: «уйдаги бор-будини шип-шийдам қилиб кетган-ов». Бу бўлиб турадиган ҳодиса. Бироқ Воронеждаги воқеани эшитиб, ҳайратдан ёқангизни ушласангиз, ажаб эмас. Шоввоз ўғрилар бу ердаги бутун бошли уйни ўмариб кетишган. Шаҳардаги кооперативлардан бирининг қоровулхонаси ана шундай тарзда изсиз йўқолди. Лекин уй нина эмаски, топилмаса. Шунга қарамай, шаҳар милицияси ҳали-ҳануз бирон-бир натижага эришганича йўқ.

ШОҲОНА ЕМИШ

Катта-катта, ўзига тўқ тужжорлар тимсоҳ гўштини ана шундай атаркан. Нижний Новгород шаҳридаги дўконлардан бири аҳли ағниёларни бир хурсанд қилайлиқ деб, Африкадан кўп миқдорда тимсоҳ гўшти келтирди. Бир килоси 300 минг рубль. Бироқ дўкондорлар кутган натижа бўлмади. Пулдорлар ушмундоқ тансиқ, шоҳона емишга қайрилиб ҳам қарашмаяпти. Чўнтаги ҳаминқадар одамларнинг эса (агар кўнгли тортса) харид қилишга қурби етмайди. Алоҳа, шоҳона емиш пештахталарда хўр бўлиб, чириш жараёнига одимлаб боряпти.

ЁЛҒИЗЛИКНИНГ ЮЗ ЙИЛИ

Кострома вилоятидаги ўрмонлардан бирида бир неча йиллардан бери Мария Чистякова исмли етмиш яшар кампир яшайди. Яшаса яшайверсинда, дерсиз. Қизиғи шундаки, у танҳо, қўшнилардан мосуво, якка ўзи яшайди. Битта говмиши, беш-ўнта қўйи ва йигирма битта мушуги бор. Уйида на телевизор, на радио мавжуд. Ҳозиргача кампиршо Брежневнинг сояйи давлатида яшаяпман, деб юраркан.

ЁЗУВНИНГ ЁШИ УЛҒАЙДИ

Билгичларнинг шоҳидлигига кўра, ёзув бундан 6 минг йил илгари пайдо бўлган, деб ҳисоблаб келинарди. Аммо яқинда топилган топилдиқ ёзувнинг ёшини 5 минг йилга улғайтирди. Ефрат дарёси бўйида топилган тошдаги ёзувлар бунга туртки берди. Олимларнинг айтишича, бу инсониятнинг илк ёзувидир.

ана шунақа гаплар

Кутлов

Мукамбар Азимова кўп йиллар давомида халқ таълими соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг 1-тоифали мутахассиси лавозимида ижодкорлик руҳи ила ишлаб, билимдонлик, ўз касбига меҳр-муҳаббат каби фазилатлари боис педагогларнинг доно устози, ёшларнинг ғамхўр мураббийси тимсолида обрў-эътибор қозонган.

Азиз Мукамбар Абдалимовна!

Қутлуғ 50 ёшингиз билан табриклаб, Сизга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда ижодий баркамоллик тилаймиз.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси жамоаси.

САРАЛАР САРАЛАНДИ

Спорт

Маълумки, спорт тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғловчи воситадир. Зеро, спорт соҳасида эришилган ҳар бир ғалаба мамлакатнинг жаҳон миқёсида нуфузи ошишига хизмат қилади. Ёшлар ўртасида спортнинг оммалашувига, буюк давлат асоси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш ишига кўмаклашади. Мамлакатимизда спортнинг енгил атлетика турини кенг оммалаштириш мақсадида турли миқёсдаги мусобақа ва кўриклар ўтказиб келинаётир. Яқинда республикамизнинг ўтган йилги энг яхши енгил атлетикачиси, мураббийси, спорт мактаби кўриги ниҳоясига етди. Биз вазирлик жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Раҳматилла Саломовдан кўрикнинг якунлари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдик:

— Республика енгил атлетика федерацияси мураббийлар кенгаши 25 йилдирки анъанага кўра мамлакатимизнинг ўтган йилги энг яхши енгил атлетикачиси, мураббийси, спорт мактабини аниқлади. Биринчи ўрин «Энг яхши спорт мактаби» ҳисобланган республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби жамоасига, 2-ўрин Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига қарашли Юнусобод туманидаги болалар ва ўсмирлар «Олимпия резервлари» спорт мактаби, 3-ўрин эса Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби жамоасига насиб этди. Танловда энг яхши енгил атлетикачи деб РУОСММ мактаби ёш спортчилари Л. Перепелова — 228,5 очко (катталар ва ўсмир ёшлар ўртасида), М. Чубикин, И. Воробьевалар тан олинди. Спортчиларга «Энг яхши енгил атлетикачи» унвони топширилди.

Устозлар кўригида РУОСММ мураббийси И. Колошева, И. Зайцева ғолиб чиқди. «Меҳнат резервлари» кунгилли спорт жамияти Марказий кенгашида бўлиб ўтган кўрикда «Энг яхши енгил атлетикачи» деб (катта ёшдагилар ўртасида) Е. Пискунова, К. Журавлев, Р. Полторацкийлар ўзларини кўрсатишди. Усмир ёшлар ўртасида Е. Пискунова, В. Иванов, Ч. Кобиналар ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўринбосарлар тайёрловчи энг яхши мураббий деб И. Михальянц, И. Татчин, А. Исахановлар тан олинган бўлса, катталар ўртасида эса В. Казаков, И. Михальянц, Ю. Татчин тан олинди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш кўрикни тартибли ва уюшқоқлик билан ўтказиш учун зарур тадбирларни белгилаган эди. Республика Усмирлар олий спорт маҳорати мактаби жамоаси ҳамда ҳакамлар ҳайъати, спорт-техника комиссияси ушбу кўрикни ўтказиш учун ўз зиммаларига юклатилган барча вазифаларни сидқидилдан адо этишди. Аслида ушбу кўрикни ўтказишдан мақсад республикамизда спортнинг енгил атлетика турини ривожлантириш, ёшларда бу спорт турига қизиқишни кучайтириш эди.

Улуғбек АКТАМОВ.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-089.Тиражи 49.620. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6